

Уларнинг фикри-зикри беш кунлик дунё ва унинг лаззатидадир. Шу билан овуниб, хотиржам бўлиб қоладилар. Уларнинг энг катта айблари ва сифатлари Аллоҳ таолонинг оятларидан ғофил бўлганларидир. Шу боисдан ҳам улар ҳар қандай ёмонликни тап тортмасдан қилаверадилар. Натижада

«...ана ўшаларнинг жойлари қилган касблари туфайли оловдир».

Ҳа, улар бекорга эмас, қилган касблари туфайли адолат ила жаҳаннам азобига дучор бўладилар.

Аллоҳ таоло Ҳадид сурасида марҳамат қилади:

لَا أُؤْمِنُ بِالْإِيْفِ زُتَاكَتَ وَمُكْنَيْبِ رُخَفَاتَ وَنِيَزَوُوهَ لَوْبِعَلِ أَيُّنْدَلِ أَيْحَالِ أَمَّنْ أُوْمَلِ عَا
أَمْطُحُ نُوكَيْ مُمْتَارْفُصُمُ هَارْتَفُ جِيهَي مُمْتُهُتَابَن رَافُكُلُ بَعَجُ عِثِي غَلِ ثَمَكِ دَالُ وَأَلِ أَوْ
رُورُ عِلْ عَاتَمِ أَلِ أَيُّنْدَلِ أَيْحَالِ أَمُّ وَأَوْضَرُوهَ لَلِ نَمُّ عَرَفُ عَمَّ وَ دِي دَشُّ بَادَعُوهَ رُخَالِ أَيْ وَ

«Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат, ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтириш, холос. У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир. Кейинроқ қурийдир ва унинг сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир. Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас» (20-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини бундай таърифламоқда:

«Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат холос».

Чиндан ҳам одамлар ўлчови билан қаралганда, ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиш учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Қаёққа қарасангиз, одамлар кийим-бош, озиқ-овқат, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган.

Бу дунё ҳаёти яна

«...ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтириш»дан иборатдир.

Одамлар ўз обрўлари, мансаблари, насаблари билан фахрланишга, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга урингани-уринган. Аслида эса бу

нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очиқроқ тушунтириш учун Қуръони Карим кўзимизга доимо кўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради:

«У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир».

Яъни бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайдик, у ёққанидан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир.

«Кейинроқ қурийдим ва сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир».

Яъни ўсимликлар тезда қурийдим. Ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади.

Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчидир. Шу билангина овуниб қолмаслик керак.

«Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор».

Чунки охиратда кофирларга қаттиқ азоб, мўминларга эса Аллоҳ таолонинг мағфирати ва розилиги бор.

«Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас».

Албатта, бу гаплар тарки дунё қилишга, ҳамма нарсадан юз ўгиришга чақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишга, ўткинчи ҳойи-ҳавасдан устун бўлишга даъватдир.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди